

«Ўзпартампоаж» АЖ
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг
2 – сонли БАЁННОМАСИ

2024 йил 30 апрель
Йиғилиш бошланиш вақти: 15:00

Коровулбозор шаҳри,
Қарши шоҳ кўчаси, жамият биноси

“Ўзпартампоаж” АЖ санок комиссияси аъзоси М.Эримов сўзга чиқди ва акциядорлар ва уларнинг вакилларининг мазкур акциядорлар умумий йиғилишида катнашиш учун руйхатдан ўтиш натижаларини маълум қилди, жумладан Акциядорларни рўйхатга олиш якунига кўра умумий йиғилишда “Ўзпартампоаж” АЖнинг жойлаштирилган жами овоз берувчи **8 447 400** дона овоз берувчи акцияга эгаллик қилувчи **410** та акциядорлардан, **10** нафар акциядор руйхатдан ўтганлиги ва уларга тегишли бўлган жами **4 250 090** та овоз берувчи акцияларни ташкил этади, йиғилиш қворуми **50,3%** фоизни, яъни акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси 06 май 2014 йилдаги 370-ЎРҚ-сонли “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 68-моддасига асосан қворумга эга эканлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 77-моддасига (3-банди) ва “Ўзпартампоаж” АЖ Уставининг 8.13 бандига асосан жамият Қузатув кенгаши раиси ёки раис узурли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда Қузатув кенгашининг бошқа бир аъзоси акциядорлар умумий йиғилишини очади ва раислик қилиши белгиланган.

Умумий йиғилишда “Ўзпартампоаж” АЖ Қузатув кенгаши раиси М.Азамов узурли сабабларга кўра катнаша олмаганлиги сабабли, акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилишини раиси вазифасини бажаришга жамият қузатув кенгаши аъзоси – А.О.Мавлонов киришди.

Умумий йиғилишда баённомани расмийлаштириш учун йиғилиш қотиби этиб жамият корпоратив бошқарув менеждери Н.К. Мингяшаров бажарди.

Йиғилиш иштирокчилари ичидан 2 кишидан иборат ишчи орган президиумни ташкил қилишни таклиф қилинди.

Президиум қуйидаги таркибда тайинланди:

Давлат активларини бошқариш

агенилиги вакили - қузатув кенгаши аъзоси –

А.О. Мавлонов

“PTS DRILLING SERVICES” МЧЖ вакили –

А.А. Файзуллаев

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Санок комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. “Ўзпартампоаж” АЖ “Қузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом янги тахрирда тасдиқлаш.
4. “Ўзпартампоаж” АЖ ҳисобида бўлган жисмонан ва маънан эскирган асосий воситаларни сотиш масаласини кўриб чиқиш.

Кун тартибидаги **биринчи** ва **иккинчи** масала юзасидан Корпоратив бошқарув бўйича менеждери Н.Мингяшаров сўзга чиқди. У Акциядорлар умумий йиғилиш кун тартиби, санок комиссияси ва регламентини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди.

Овозларни санаш учун 3 аъздан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси аъзоларини сайлаш учун таклиф этилди:

М. Эримов	- санок комиссияси раиси,
А. Олимов	- санок комиссия аъзоси,
И. Хожиев	- санок комиссия аъзоси.



Регламент бўйича кун тартибига киритилган ҳар бир масала бўйича маърузачиларга 5 дақиқадан ва овоз бериш учун 3 дақиқадан ажратиш таклиф этилди.

Биринчи ва иккинчи масалалар муҳокамасидан сўни акциядорлар умумий йиғилиш регламентини ва санок комиссиясини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан овоз бериш натижалари қуйидагича:

тарафдорлар – 4 231 990 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – 18 100 та овоз.

Акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилиш

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Акциядорлар умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.
2. Санок комиссияси шахсий таркиби тасдиқлансин.

Кун тартибидagi **учинчи** масала юзасидан Кузатув кенгаши аъзоси А.О. Мавлонов сўзга чиқди. У ўз нутқида жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги 370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига доимий равишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, такомиллаштириб келинаётганлигини айтиб ўтди.

Жамият кузатув кенгашининг ўтган 2023 йил 11 мартда йиғилиши ўтказилганлигини ва кузатув кенгашининг жамиятни корпоратив бошқаришда қониқарсиз ва зарар билан ишлаётган ҳолдан чиқариш бўйича анча қоралар кўрилганлиги ва иш ҳажми ошганлигини инобатга олган ҳолда кузатув кенгаши аъзоларининг вазифа ва мажбуриятларини бажариш учун мотивациясини ошириш мақсадида уларни рағбатлантириш даражасини ошириш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

Учинчи масала муҳокамасидан сўнг, тасдиқлаш учун овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан овоз бериш натижалари қуйидагича:

тарафдорлар – 4 231 990 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – 18 100 та овоз.

Акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилиш

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. “Ўзпартампоаж” АЖ “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом янги таҳрирда тасдиқлансин.

Кун тартибидagi **тўртинчи** масала юзасидан Корпоратив бошқарув бўйича менеджери Н.Мингяшаров сўзга чиқди. У ўз нутқида жамият балансида бўлган қуйидаги 1 – иловада келтирилган жамиятнинг 14 дона асосий воситалари (автотранспорт воситалар) жисмонан ва маънавий эскирганлиги, буюртмачиларнинг ушбу асосий воситаларга талаби йўқлиги, жамиятнинг кундалиқ фаолиятида фойдаланиш учун эҳтиёж йўқлиги, анча вақтдан бери автосаройда ва ҳудудларда туриб қолганлиги, аксарият қисмларининг эскириб бораётганлиги сабабли, уларни ўрнатилган тартибда баҳолаб, “e-auksion” электрон аукцион савдоси орқали сотиш, ўрнига ихтисослаштирилган махсус замонавий тампоаж техникаларини сотиб олиш ва жамият ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун ишлатиш масаласи жамият ички аудитори далолатномасига биноан ҳамда Кузатув кенгаши томонидан дастлаб кўриб чиқилганлиги ва акциядорлар умумий йиғилишида ушбу бўйича қарор қабул қилиш учун киритилганлигини айтиб ўтди.

1 – Илова.

№	Асосий восита тури	Давлат рақам белгиси	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич қиймати (сўм)	Изоҳ
1	ГАТРА-815 русумли махсус техника АГФ-1050	80/873МАО	1988	1 309 919	носоз
2	ГАЗ-66 русумли махсус техника СКЦ-2м	80/861МАО	1989	5 163 014	носоз
3	КамАЗ-5410 русумли ярим тиркама ТЦ-11	80/881МАО	1984	1 409 413	қисман соз

4	МИДИБУС NP21 русумли автобус	80/112MAA	2010	146 719 225	соз
5	МИДИБУС NP21 русумли автобус	80/114MAA	2010	146 719 225	соз
6	LACETTI русумли енгил седан автомашинаси	80/626KBA	2020	119 408 545.60	соз
7	LADA 4x4 русумли енгил седан автомашинаси	80/873GBA	2019	104 249 078	соз
8	NEXIA русумли енгил седан автомашинаси	80/508SAA	2013	90 737 235	соз
9	Вагон уй	-	2000	5 421 000	кисман соз
10	Вагон уй (акфа деразали)	-	2000	3 456 000	кисман соз
11	Вахтовка (устки кисми)	-	2013	баҳолангандан сўнг	соз
12	Цистерна (8м³)	-	2013	баҳолангандан сўнг	кисман соз
13	Цемент ташувчи автоцистерна 25 тн	-	2014	баҳолангандан сўнг	соз
14	Цемент ташувчи автоцистерна 25 тн	-	2014	баҳолангандан сўнг	соз

Тўртинчи масала муҳокамасидан сўнг, тасдиқлаш учун овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан овоз бериш натижалари куйидагича:

тарафдорлар – 2 672 146 та овоз, қаршилар – 1 559 844 та овоз, бетарафлар – 18 100 та овоз.

Акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзпартампоаж” АЖ балансидаги жисмонан ва маънан эскирган 1 – иловада келтирилган 14 дона асосий воситалар (автотранспорт воситалар) қонунчилик билан ўрнатилган тартибда баҳоланган нархда ва очик аукцион савдолар орқали сотилсин, белгиланган муддатда сотилмаган мулкларни босқичма босқич нархни пасайтириш меъзони қўллانسин, ушбу тартибда ва белгиланган муддатда сотилмаган ва аукцион савдоларидан қайтарилган мулклар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилсин.

Умумий йиғилиш раиси:



А.О. Мавлонов

Умумий йиғилиш котиби:



Н.К. Мингяшаров

Баённома имзоланди «02» май 2024 йил.